




New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

8 (82) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Ташкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

8 (82)

2025

август

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

Received: 20.07.2025, Accepted: 06.08.2025, Published: 10.08.2025

УДК 616.31.-07.-08.-039.71

НИКОТИНЛИ СТОМАТИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВО-ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УСУЛИ

Шарипова Гулнихол Идиевна <https://orcid.org/0009-0009-0825-0534>

Хамдамова Лола Зарифовна <https://orcid.org/XLolaZ83>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ушбу мақолада сигареталар таъжасида ривожланган касалликларнинг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш, комплекс даволаш жараёнида стоматологик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш, беморларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш ва даволаш- профилактика усуллари келтирилган.

Калит сўзлар: Никотинли стоматит, иммуно-гисто-химёвий усул, кариес, пульпит, периодонтит, лейкоплакия, лейкограмма.

СПОСОБ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛЕЧЕБНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕРОПРИЯТИЙ ПРИ НИКОТИНОВОМ СТОМАТИТЕ

Шарипова Гулнихол Идиевна <https://orcid.org/0009-0009-0825-0534>

Хамдамова Лола Зарифовна <https://orcid.org/XLolaZ83>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г.
Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В статье изложены клинико-функциональные особенности течения заболеваний, развивающихся вследствие курения, дана оценка роли стоматологических и физиотерапевтических мероприятий в комплексном лечении, разработана комплексная поэтапная схема лечения с учетом соматического состояния пациентов, а также методы лечения и профилактики.

Ключевые слова: Никотиновый стоматит, иммуногистохимический метод, кариес, пульпит, периодонтит, лейкоплакия, лейкограмма.

METHOD OF IMPROVING TREATMENT AND PREVENTIVE MEASURES FOR NICOTINE STOMATITIS

Sharipova Gulnihol Idiyevna <https://orcid.org/0009-0009-0825-0534>

Xamdamova Lola Zarifovna <https://orcid.org/XLolaZ83>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi.
1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

The article presents the clinical and functional features of the course of diseases that develop as a result of smoking, assesses the role of dental and physiotherapeutic measures in complex treatment, develops a comprehensive step-by-step treatment plan taking into account the somatic condition of patients, as well as methods of treatment and prevention.

Keywords: Nicotine stomatitis, immunohistochemical method, caries, pulpitis, periodontitis, leukoplakia, leukogram.

Долзарблилги

Охириги йилларда аҳоли орасида никотинли стоматит билан касалланиш кўпайиб бормоқда, бу эса тиббий-ижтимоий, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу патологиянинг тамаки маҳсулотлари истеъмоли билан ривожланиши уларни ташхислаш ва даволашда мураккаблик вужудга келтириши билан алоҳида ўрин тутмоқда. Сигареталарнинг бир неча турлари учрайди. Сигареталар организмга ўзининг кўп қиррали таъсири билан ажралиб туради. Сигареталарнинг таъсири натижасида юзага келадиган стоматологик касалликлар кенг тарқалганлиги, ташхислаш ва даволашда мураккаблиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Илмий манбаларда сўнгги ўн йил давомида ўтказилган тадқиқотлар сигареталар натижасида юзага келадиган, оғиз бўшлиғи касалликлари 22,4% гача, турли синдромлар билан бирга эса бу касалликлар 39,3% гача кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга сигареталар натижасида келиб чиқадиган, никотинли стоматитнинг устунлик қилиши ҳамда 19,7% дан 31,4% гача кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат, касалликларнинг бошланғич босқичларининг аниқ белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг йўқлиги ҳамда мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан тушунтирилади. Бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда [1,3].

Дунё аҳолиси орасида нотўғри ҳаёт тарзи натижасида юзага келадиган, оғиз бўшлиғи касалликларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда замонавий стоматологияда оғиз бўшлиғи касалликлари билан боғлиқ, Сигареталар натижасида ривожланадиган касалликларнинг ўзига хос кечишини клиник-функционал хусусиятларини аниқлаш; комплекс даволаш жараёнида стоматологик ва физиотерапевтик чораларнинг ўрнини баҳолаш; беморларнинг соматик ҳолатини эътиборга олувчи комплекс босқичма-босқич ёндашув режасини ишлаб чиқиш; Сигареталар натижасида юзага келадиган оғиз бўшлиғи органларининг иш фаолияти бузилишига асосланган даволаш профилактика усулларини таклиф этиш; даволаш самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади [2,5].

Тадқиқотнинг мақсади: Сигареталар натижасида келиб чиқадиган никотинли стоматитни аниқлаш, эрта ташхислаш ҳамда даво-профилактикасига қаратилган замонавий ёндашувни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усули

Тадқиқотнинг объекти сифатида CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY ти клиникаси қабул бўлимига мурожаат этган 115 нафар Сигареталар натижасида никотинли стоматит мавжуд беморлар ва назорат гуруҳи учун 65 нафар шу ёш контингентдаги ушбу касалликдан холи кўнгиллилар олинган.

Олинган натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий тиббиётга тадбиқ этилиши сигареталар натижасида никотинли стоматитни олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Сигареталар натижасида никотинли стоматитнинг тарқалиш даражасига қараб, оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш, профилактик самарадорлигини ошириш ва асоратлар ривожланишини камайтириш имконини беради.

Турли мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар, сигарет чекувчи эркалар ўртасида, чекмайдиганлар билан таққослаганда ўлим ҳолати 70% га юқори эканлигини кўрсатди. Тамаки чекиш бутун дунё эркаларда умумий ўлим ҳолатларининг 36,4% да ва аёлларда умумий ўлим ҳолатларининг 7,5% да асосий сабаб ҳисобланади. Ҳар 14 сонияда ер шарида бир киши чекиш туфайли юзага келган касалликдан ҳалок бўлади. Ҳар йили дунёда чекиш билан боғлиқ касалликлардан 3 млн нафар инсон ҳаётдан кўз юмади. ЮИК, ўпка касалликлари ва саратон туфайли ҳаётдан кўз юмган чекувчи беморлар сони ўсиб бормоқда. Кашандалар орасида касалликларнинг юқори даражаси туфайли етказиладиган иқтисодий зарар тамаки маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромаддан анча юқори эканлиги белгиланган. 10 йил тажрибага эга чекувчи инсон чекмайдиган инсонга қараганда 3,5 марта кўп касалланади ва улар

касаллик туфайли 5 марта кўпроқ ишга келмайди. Шундан келиб чиқиб, чекиш жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади [3,4].

Газсимон фаза таркибига синил кислота, акролеин, аммиак, ацеталдегид, формалдегид ва азот оксиди киради, улар юқори нафас олиш йўлларида тебранма эпителий хужайраларига кўзгатувчи ва захарли таъсир ўтказади. Тамаки тутунининг газсимон фазасини ташкил қилувчи нитрозаминлар, гидразин ва винилхлорид ифодали концероген таъсирга эга. Қаттиқ фаза қорамой, полинуклеар хушбўй углеводородлар, В-нафтиламин, N-нитрозонорникотин, бенз(а)пирен, полоний-210 ва бошқалардан ташкил топган, улар кашанданинг организмга концероген таъсир ўтказади, индол ва карбозол каби моддалар эса организмда ҳар хил ўсимта ўсишини тезлаштиради [1,4].

Сигарет чекиш айнан сурункали бронхит ва эмфиземалар ривожланишининг асосий сабаби ҳисобланади. Кашандаларда сурункали бронхит ва ўпка эмфиземаси билан касалланиш ва ундан ўлим топиш даражаси чекишнинг давомийлиги ҳамда интенсивлиги билан бевосита боғлиқ. Ўпка эмфиземаси чекмайдиганларга қараганда, кашандаларда 12,9 марта кўп учраши қайд этилган, сурункали бронхитнинг 82% ҳолатида эса чекиш бош этиологик омил ҳисобланади. Тамаки тутунининг таъсир даражасига боғлиқ равишда чекувчи эркаклар чекмайдиган эркакларга қараганда юқори нафас органлари инфекцияларидан 4-25 марта кўп ўлим топади. Чекувчиларда, чекмайдиганларга қараганда, функционал ўпка тестларида меъёрдан оғиш ҳолатлари кўпроқ учрайди, шу жумладан ўпка тўқимасининг эластиклик тести, йирик ва майда ҳаво ташувчи йўллар ўтказувчанлиги ҳамда диффузия қобиляти. Майда нафас олиш йўлларининг заиф ифодаланган обструкцияси ҳатто чекувчи ўсмирларда қайд этилади. Ўпка эмфиземаси патогенезининг тадқиқотлари чекиш ўпкада ўпка тўқимасини шикастлашга кодир протеазлар микдорининг ортишига олиб келади. Бу шикастланиш, кўп эҳтимол билан, микдори ортган ўпка лейкоцитларидан эластазаларнинг ажралиши, шунингдек ўпка антипротеазларининг тамаки тутуни таркибига кирувчи оксидантлар билан инактивацияси билан боғлиқ. Тамаки чекиш респиратор инфекция касалликлари ривожланиши частотасининг ортишига ҳамда кашандаларнинг пневмония ва гриппдан ҳалок бўлиш частотаси кўпайишига олиб келади. Сурункали ларингит ва трахеобронхит уларда чекмайдиганларга нисбатан кўпроқ ривожланади [3,4,5].

Сигарет чекиш ҳиқилдоқ, оғиз ва қизилўнгачда саратон ривожланишининг сабаби ҳисобланиши мумкин. Чет олимларнинг маълумотларига кўра тамаки чекувчиларда қизилўнгачда саратон касаллиги юзага келишининг нисбий хавфи чекмайдиганларга қараганда 2,1 марта юқори, чекиш алкоголь истеъмоли билан уйғунлашганда эса бу хавф 8,1 марта ортади. Маълумки, алкоголь истеъмоли онкологик касалликлар ривожланиш хавфини ошириб, чекиш билан синергик таъсир қилади.

Чекиш жараёнида оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималари кўзгалувчи, термик, токсик ва канцероген таъсирга учрайди. Таъсир интенсивлиги кўплаб омиллар билан аниқланади, шу жумладан оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг индивидуал морфологик ва функционал ўзига хосликлари, чекишнинг давомийлиги ҳамда интенсивлиги. Тамаки тутуни етказадиган жисмоний ва кимёвий жароҳат тамакиннинг тури ва сифати, унинг ўсиш (минерал ўғитлар, пестицидлардан фойдаланиш) ва қуритиш шароитларига боғлиқ. Оғиз бўшлиғи тўқималарига шикастловчи таъсир механизмида ҳарорат кўрсаткичлари катта аҳамиятга эга.

Хулоса

Кашандаларнинг бронх шиллик қаватларида эпителий хужайраларининг метаплазияси ривожланиши исботланган, уларнинг ифодаланганлик даражаси чекиладиган сигаретлар сонига боғлиқ. Бу ўзгаришлар кўплаб муаллифлар томонидан саратон олди ўзгаришлар сифатида баҳоланади. Ўпка саратонининг ривожланиш хавфи микдоран сигарет тутунининг таъсири билан боғлиқ. Кунига бир пачка сигарет чекувчи эркакларда ушбу хавф чекмайдиганларга нисбатан 10 баробар ўсади, кунига икки пачка чекувчиларда эса - 25 баробардан ортиқ. Сўнги 50 йил давомидан аёлларнинг сигарет истеъмоли кескин ўсди ва ҳозирги кунда улар орасида ўпка саратонидан ўлим ҳолатлари эркаклар билан солиштирганда тезроқ ўсмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Данилевский Н.Ф., Леонтьев В.К., Несин А.Ф., Рахний Ж.И. Заболевания слизистой оболочки полости рта. - М.: Издательство ОАО "Стоматология", 2001; 272 с.
2. Кулик И.В., Миргородская Л.В. ВИЧ-инфекция. Проявления в полости рта. Журнал: Институт стоматологии. 2001;2:36-40.
3. Курение как фактор заболеваний пародонта, кариеса и потери зубов. // Стоматологическое обозрение. 2003;2:3-4.
4. П.В. Гончарик, Р.Н. Супруновский, Г.Д. Панасюк Лейкоплакия слизистой оболочки полости рта / М. – 2019.
5. Ронь Г.И., Костромская Н.Н., Чернышева Н.Д. Лейкоплакия слизистой оболочки полости рта: аспекты клинической диагностики и лечения // Проблемы стоматологии. – 2006.
6. Титарчук Л.В. Распространенность лейкоплакии Таппейнера среди курильщиков табака // Молодёжь, наука, медицина: материалы 61-й Всерос. межвузовской студенческой научной конференции, посвящ. 70-летию Победы в Великой Отечественной войне. - 2015 г.
7. H.Aktas Nicotine stomatitis in a heavy smoker man with chronic psychosis // Mucosa – 2019.
8. Faddy M.J., Gullinan M.P., Palmer J.E. et al. Ante-dependence modeling in a longitudinal study of periodontal disease: The effect of age, gender, and smoking status. // J. Periodontol. 2000;71(3):454 - 459.
9. Sharipova Gulnihol Idiyevna. Discussion of results of personal studies in the use ofmil therapy in the treatment of trauma to the oral mucosa // European Journal of Molecular medicinevolume 2, No.2, March 2022 Published by ejournals PVT LTDDOI prefix: 10.52325Issued Bimonthly Requirements for the authors.
10. Sharipova Gulnihol Idiyevna. (2020) The effectiveness of the use of magnetic-infrared-laser therapy in traumatic injuries of oral tissues in preschool children //Academic leadership. ISSN 1533-7812 Vol:21Issue 1

Қабул қилинган сана 20.07.2025